

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги ролини янада кучайтириш, унинг рақобатбардорлигини ошириш ва пировардда халқро бозорларга чиқиши билан боғлиқ ҳуқуқий ва институционал муаммоларни ҳал қилиш юрти-мизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Президентимиз Ислам Каримов ислохотларни янада чуқурлаштиришни энг долзарб вазифалари ҳақида гапириб, мамлакатимиз иқтисодийда кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улуғлини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда устувор вазифадир

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг Макроиктисодиёт ва прогнозлаштириш институтида 2011 йил 18 мартда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари халқро бозорга чиқишининг ҳуқуқий ва институционал муаммолари" мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу ва бошқа масалаларни муҳокама қилишга бағишланди. Давра суҳбати Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-санот палатаси билан бирга-ликда ўтказилди.

Давра суҳбатидида қайд этилганидек, 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуғи ва шунга мувофиқ, унинг мамлакатимиз иқтисодиёти-ни ривожлантиришдаги роли анча ошди. Бунда кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб берилган чора-тадбирлар анча қўл кел-

ўтилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган экспорт маҳсулотининг улуғи паст-лигича (14,7 фоиз) қолмоқда. Давла-тимиз раҳбари Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси қабул қилин-ганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик соҳасини янада ривожлантириш зарурлиги ҳақида гапириб, "кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўзга аёқол ташланиб турган афзал-ликлари ва катта имкониятлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Ле-кин бугунги кунда Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мав-жуд эканини, дунёдаги тараққий топ-ган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик ялпи ички

маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўрнини эгаллаётганини ино-дига оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўп-лиги аён бўлади", деб таъкидлади. Шу муносабат билан "Кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик йили" Давлат дас-турида белгиланган вазифалар бун-дан бўён ҳам хусусий мулк ва тadbир-корлик фаолияти эркинлигининг ишончи тарзда ҳимоя қилинишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун го-ят қулай ишчан муҳитни яратиш, бу со-ҳадаги қонунчилик базасини янада та-комиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб қилади.

АНЖУМАН

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида давра суҳбатлари ташкил этилди. Қуйи палата депутатлари, вазириликлар, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирларда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маъкамасининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган йиғилишидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Таъкидланганидек, мамла-катимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция-да юртимизда давлат ҳоки-мияти ва бошқарувини де-мократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ва ахборот соҳа-сини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъмин-лаш, сайлов қонунчилигини бугунги талаблар асосида та-комиллаштири-риш, фуқаро-лик жаҳми-яти

ри вакиллари иштирок этди. Маълумки, Давлат рамз-лари мамлакат суверените-тини ифодалайдиган муқад-дас тимсоллардир. Шу боис истиқлолнинг илк йиллари-данок давлат рамзларига оид қонунлар ишлаб чиқил-ди. Айни пайтда улар, за-мон талабларидан келиб чи-қиб, такомиллаштириб бо-рилмақда. Президентим-зини томони-дан 2010 йил 24 декабрда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси-нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ана шунга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ТАДБИР

— Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзларига оид қонунларга бир қатор янги нормалар киритилди, — дей-ди қуйи палата депутати Гулжан Халмуратова. — Жумладан, байроқ ва герб тасвири-ни давлат идорала-ри ва ташкилотларнинг би-нолари, мажлис заллари, хизмат хоналари, жамоат жойлари, Ўзбекистон Рес-публикасига хорижий дав-латларнинг расмий делега-циялари ташфири муноса-бати билан, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий ту-зилмаларида мажбурий кўтариш ва joyлаштириш-ни тартибга соладиган меъ-ёрлар татбиқ этилди. Шу билан бирга, бу борадаги қонунлар ижроси устидан назорат олиб борадиган му-тасадди идоралар номи аниқ белгилаб берилди.

Мазкур Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Давлат гер-би ҳамда Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатла-рини бузганик учун мансаб-дор шахслар ва фуқаролар-га маъмурий жавобгарлик чоралари қўзда тутилган.

Шунингдек, тадбирларда мазкур Қонуннинг Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпо-ғистон Республикасидаги ижросини таъминлаш меха-низмини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбатларида му-ҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсия-лар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУҚРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВРЎЗИ ОЛАМНИНГ ҚУТЛУҒ ҚАДАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сирдарёликлар ҳам Наврўз байрамини кўтарин-ки қайфият билан қўриш ол-дилар. Эрта тонгдан янгра-ган қарнай-сурнай садолари вилоят аҳли ва меҳмонлари-ни Гулистон шаҳридаги Мар-казий истироҳат боғи ҳамда Олим Ҳўжаев номидаги му-сика ва драма театри боғига чорлади. Бу сўлим гўшалар-да халқ сайиллари бошлан-ди. Шундан сўнг байрам иш-тирокчиларига катта концерт дастури намойиш этилди. Шуниси диққатга сазоворки, байрам муносабати билан вилоятда яшовчи 500 дан зиёд эхтиёжманд оила, 52 нафар юз ёшдан ошган ну-роний ҳамда 151 нафар уруш фахрийсига моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ҳар бир туманда ҳам таъминлан-ган ўнлаб оилалар фарзанд-ларининг суннат ва никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. Яна бир қувонарли жиҳати, байрам арафасида Янгиер шаҳрида трикотаж маҳсулот-лари ишлаб чиқаришга икти-сослаштирилган "Shiro teks" корхонаси, Гулистон шаҳри-да "Мили Гулистон", "GULRENTKS" қўшма кор-хоналарининг очилиш маросим-лари бўлиб ўтди. Ушбу хайр-ли ишлар боис 900 га яқин

кишини иш билан таъминлаш имконияти яратилди.

Хоразм аҳли айёمنى бунёдкорлик, ободонлашти-риш, кўкаламзорлаштириш борасидаги катта ютуқлар билан қарши олдилар. Жум-ладан, байрам арафасида 6 минг гектарга яқин майдон ободонлаштирилди, ўнлаб маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди. Яна ўнлаб маиший иншоот-ларда бунёд этилган маҳал-ла гузары, Ўғизравот қишло-ғиди иш бошланган супермар-кет, Гурлан туманидаги "Спутник" кичик корхонаси шулар жумласидандир. Хива тумани Шомохулим қишлоғи-да эса 8 гектарлик "Қамолот боғи" барпо этилгани бай-рамга ўзгача файз киритди. Яна ўнлаб кичик бизнес субъектлари фойдаланишга топширилиб, юзлаб янги иш ўринлари яратилди.

Янгилишни ва яшариш ай-ёми **Наманган** вилояти ша-ҳар ва қишлоқларига ҳам ўзгача шухуқ бағишлади. Кун сайин обод ва кўркам тус олаётган бу гўшада байрам арафасида 57 та янги иншо-от фойдаланишга топширил-ди. Улардан бири Тўрақўр-ғон шаҳрида барпо этилган иқтисодий касб-хунар колле-жининг уч қаватли мухташам биноси бўлиб, бу ерда 540 нафар йигит-қизнинг замон

Анжуманда сўзга чиққан сенатор-лар, Қонунчилик палатаси депутатла-ри, тегишли вазирлик ва идоралар хо-димлари, олимлар ва мутахассислар, шунингдек, кичик бизнес вакиллари мамлакатимиз ҳукумати томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар тадбир-корлик субъектларининг халқро бо-зорда рақобатбардорлигини ошириш-га, уларнинг экспорт имкониятларини кучайштиришга, экспортга мўлжал-ланган маҳсулот ишлаб чиқаришдан манфаатдорлиги янада юксалишига хизмат қилаётгани қайд этилди. Шу-нингдек, улар мамлакатимиз корхо-наларининг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли халқро ҳамкорли-гини ривожлантириш иқтисодий ўси-шининг гоят муҳим йўналиши эканли-гини ва хозирги талаблар ҳамда та-моийларга тўла-тўқис мос эканли-гини таъкидладилар.

Муҳокамада кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорликнинг янада ривож-ланишини ҳуқуқий-институционал таъминлашга қаратилган бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди, янги тахрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғриси-да"ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нини тайёрлашни тезлаштириш, фан ва технологияларнинг илгор ютуқла-рига асосланган санот тармоқлари-да кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ишти-рок этиши, минтақавий ва жаҳон бо-зорларига чиқиши масалаларини ҳал қилиш тўғрисида аниқ тақлифлар билдирилди. Давра суҳбати қатнаш-чилари муҳокама яқунлари бўйича тегишли тавсияларни қабул қилдилар.

Давра суҳбати ишида сенаторлар-ва Қонунчилик палатаси депутатла-ри, тегишли вазириликлар ҳамда идораларнинг мутахассислари ва экспертлари, кичик бизнес ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бош вазир ва Олий Мах-лис Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда, Қонун-чилик палатаси умумий со-нининг қамада учдан бир қисми томонидан Ўзбеки-стон Республикаси Прези-денти номига расман киритилган тақлиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокама-сига Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билди-риш ҳақидаги масаланинг тақлиф этилиши ривожлан-ган демократик мамлакат-лар давлат бошқарувининг конституциявий-ҳуқуқий амалиётидаги мавжуд ҳолат бўлиб, ушбу янги қонданг амалга киритилиши орқали Бош вазир ва ҳукумат аъзо-ларининг парламент олди-даги маъсулияти ва жавоб-гарлигининг оширилишига эришилди, ҳокимиятларнинг "ўзаро тийиб туриш ва улар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимла-нишига эришиш" механиз-мининг амалда татбиқ эти-лишига кенг шарт-шароит-лар яратилди.

Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билди-рилиши масаласининг парла-мент палаталарининг қўшма мажлиси муҳокама-сига қўйилиши ҳамда парла-мент аъзоларининг қамада учдан икки қисмининг овози талаб этилиши ишонсизлик вотумининг қабул қилини-шининг мураккаблиги ва парла-мент аъзолари олдидаги

ўта маъсулиятли масала эканлигидан далolat беради.

Мамлакатимизда ишонс-излик вотуми институти-нинг жорий этилиши парла-ментимиз томонидан ҳукумат фаолиятини назор-рат қилишини таъсирчан воситасига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳукумат-нинг маъсулиятини ошириш баробарида, унинг фаолият-ида очилки ва ошқоралик-ни таъминлаш ҳамда қону-нийликни янада мустаҳкам-лашга хизмат қилади.

Концепциядаги тақлиф-ларнинг қонуний асосга эга бўлиши ва ҳаётга татбиқ этилиши жаҳми-ятининг де-мократик асосларини яна-да мустаҳкамлайди ва мам-лакатимизда амалга ошири-лаётган янгилишни жараён-ларига ҳам суръат, ҳам сифат бахш этади.

Концепцияда давлат ҳо-кимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, айниқса, ижро этувчи ҳо-кимият фаолиятлари устидан парламент назоратининг та-комиллаштирилишига оид го-я ва йўналишларнинг аҳамияти шундаки, бирин-чидан, мамлакатимизда чи-накам кўп партиявийлик шакл-лана боради ва сиёсий партиялар нафақат жаҳми-ят, балки давлат ишларини бошқаришда ҳам ҳал қилу-вчи ўринга эга бўла боради; иккинчидан, жаҳми-ят ҳаёт-и-да фуқаролик жаҳми-яти институтиларининг, хусусан, сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кучая бориши жа-раёни, ушбу тузилмалар-

нинг жаҳми-ятда янгилиниш жараёнлари, жумладан, ўз электрлотлари ҳаётини яна-да яхшилаш бўйича маъсу-лият ва жавобгарлик ҳисси-ни тақозо этади; учинчидан, ижро ҳо-кимияти тизимига кирувчи органлар ҳамда уларнинг мансабдор шах-сларининг ўзларига топши-рилган соҳада қонунларнинг тўла ва оғишмай ижро эти-лиши учун маъсулият ва жа-вобгарлик ҳиссини қучайти-ради ҳамда бу масаладаги фаолиятини такомиллашти-ришни талаб этади.

Хулоса қилиб шуни та-кидлаш мумкинки, мамлака-тимизда амалга оширилаёт-ган кенг қамровли демо-кратик ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусан, дав-лат қурилиши ва бошқару-ви соҳасини изчил такомил-лаштириб бориш бугунги кунда давлат ва жаҳми-ят ҳаётини янгилаш ҳамда мо-дернизация қилишнинг му-ҳим шарти сифатида аҳа-ми-ятлидир. Концепцияда бел-гиланган давлат ҳо-кимияти ва бошқарувини демократ-лаштириш соҳасидаги исло-хотлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократ-лаштиришнинг янги бо-сқичи бошлаб берди ҳамда бу, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенгроқ таъминлаш-га хизмат қилади.

Ахрор ҲОШИМХОНОВ,
Тошкент давлат юридик
институти магистратура
бўлими бошлиғи.

Юртимизда яшариш ва янгилиниш, меҳр-оқибат, саховат ва мурувват айёми — Наврўз шухуқ кезмоқда. Жойларда давом этаётган Наврўз байрами тадбирларида халқимизнинг аҳиллик, бағрикенглик фазилатлари ифода этилаётди.

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика Байналминл маданият маркази томонидан ўтказилган "Наврўзи олам муборак!" номли маърифий тадбирда юртимизда турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила фарзандларидек тотувиқда яшайи учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўз юри-тилди.

Унда турли ижодий ва жамоат ташки-лотлари, миллий-маданий марказлар, юр-тимиздаги хорижий дипломатик корпуслар ва халқро ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Республика Байналминл маданият мар-кази директори Н. Муҳаммадиев Президен-тимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мам-лакатимизда миллатлар ва динлараро тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик таъминиларига қатъий амал қилинаётгани, бу борада жабҳаларда жадал кечаётган ис-лохотларнинг муваффақиятида асосий омил бўлаётганини таъкидлади. Тинч ва осуда ҳаётимиз, жаҳми-ятининг ўзаро хурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижа-но фазилатлар, миллий ва умумбашарий кадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамоийли тобора мустаҳкамланиб бораётгани — хал-қимизнинг катта ютуқларидандир.

Ўзаро тотувликни янада мустаҳкамлаш,

ҳар бир миллатга хос урф-одат ва аъна-налари сақлаб қолишда миллий-маданий марказларга яқиндан қўмақлаш, бағри-кенглик таъминиларини қарор топтириш йўлидаги жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу сай-ҳаракатлар республика Байналминл мада-ният маркази фаолиятида муҳим йўналиш-лардан биридир. Юртимизда яшаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакил-ларининг маданияти, аънаълари, ижод на-муналарини акс эттирувчи бадиий ва фото кўргазмалар, маърифий лойиҳалар, дўстлик фестиваллари, илмий-ижодий анжуманлар, кўрик-танловлар, концертлар бунинг амал-даги ёрқин далилидир.

Байрам тадбирида турли миллат вакил-ларининг аънава ва қадриятлари, ижодқор-ларнинг хунармандчилиги ва таъсирий санъ-атга оид кўргазмаси ўтказилди. Таниқли санъаткорлар ва миллий-маданий марказ-лар жамоаларининг концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Нозоат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ИСТИҚБОЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда корхонага катта тажриба ва малакага эга кадрлар билан бирга, касб-хунар коллежла-рини битираётган ёш мутахассис-лар ҳам кенг жалб қилинапти. Бу эса ишлаб чиқариши замонавий ва илгор технологиялар асосида таш-кил этили, пировардда маҳсулотлар тури ҳамда ҳажмини кўпайтириш им-конини бераётди. Масалан, биргина тикув цехи тўлиқ қувват билан иш-тириш бошлагач, бу ерда йилга 3,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари тайёрлана эришилади.

— Юртбошимизнинг ҳаққоний танқидлари янги истиқболли лойи-ҳаларни излаб топилганимизда дасту-риламал вазифасини ўтамоқда, — дейди "Сино" очик акциядорлик жа-ҳми-яти бошқаруви раиси Отабек Нарзуллаев. — Ускуналаримиз бу-

гунги талабга жавоб бермай, эски-рдан қолган дастгоҳлар ўрнини замонавий тикувчилик ускуналари эгаллабди. Ишчиларнинг келиб-ке-тиши учун янги автобус ажратилга-ни ва бошқа кўплаб қулайликлар яратилганидан, энг муҳими, қадр-дон корхонамиз яна оёққа тургани-дан беҳад хурсандман.

Бугун истеъмол бозорига даст-лабки маҳсулотларини чиқараётган корхонада ишлаб чиқаришни кенгай-тириш, янги иш ўринлари ташкил этиш тадбирлари бошқарувида бош-қарувида маҳсулотлар билан тўлдириш имконини беради. Энг муҳими, минг нафарга яқин хо-тин-қиз, коллеж битирувчиси ўзла-рининг доимий иш жойларига эга бўладилар.

— Музлаткичлар ишлаб чиқариш бўйича юқори нufузга эга бўлган Жанубий Кореянинг "LG" компания-си билан ҳамкорликда катта миқёс-даги модернизация жараёнларини амалга ошираямиз, — дейди у. — Ички имкониятлардан келиб чиққан

ҳолда, корейликлардан 816 минг АҚШ доллариға янги замонавий конвейер линиясини сотиб олдик. Иккита синов лабораториясига эга бўлган бу линияни ўрнатиш учун



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ўзида ишлаб чиқариш қувватини беш баробарга оширамиз. 2010 йилда 20 минг дона музлаткич иш-лаб чиқарган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткич 100 минг донага ета-ди.

Корхона раҳбари бизни ишлаб чиқариш цехлари томон бошларкан, йўл-йўлакда ўз сўзига изох берди: — Музлаткичлар ишлаб чиқариш бўйича юқори нufузга эга бўлган Жанубий Кореянинг "LG" компания-си билан ҳамкорликда катта миқёс-даги модернизация жараёнларини амалга ошираямиз, — дейди у. — Ички имкониятлардан келиб чиққан

икки ярим минг квадрат метр май-донда 80 миллион сўмлик рекон-струкция ишлари амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, келгусида "8 Март" ва "Сино"ни Самарқанд-нинг иқтисодий бакуват, салоҳияти юксак ишлаб чиқариш корхо-наларига ялантириш имконияти пайдо бўлмоқда. Бунинг учун эса мамлакатимизда яратилган кенг имконият ва имтиёزلардан самара-ли фойдаланиб, олиб борилаётган ислохотларга ҳамоҳанг равишда дадил одим ташланса, айни мuddаодир. Зеро, янгиликка интилиб ишлаш, изланиш ҳар доим ҳам тараққиёт сари етаклайди.

Али ЗИЁДОВ,
Абдурауф САТТОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.



«АЗИЯЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ»
 илмий-ишлаб чиқариш корхонаси

*жамоаси бағрикенг
 ва меҳнаткаш халқимизни*

Наврўз

*янгиланиш ва баҳор айёми
 билан чин юракдан табриклав,
 барчага тинчлик-хотиржамлик,
 қут-барака ҳамда бунёдкорлик
 йўлидаги орзу-интилишларида
 куч-тайрат тилайди!*

Fido-biznes

Азиз ватандошлар!

«FIDO-BIZNES»

*компанияси
 сизларни баҳор айёми —*

Наврўз

байрами билан табриклайди!

*Ушбу кунда айёнда
 барча орзу-интилишларини амалга
 оширишни ва бундан оқибат
 йўқ бўлганини талаб
 қилишимиз!*

*Тинчлик-хотиржамлик,
 соғлиқ ва фаровонлик ҳамда
 келажакнинг бахти!*

*Сизларнинг
 тинчлик ва орзулар фароғи*




Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Савдо Инвестиция» Республикаси

«НАМАНГАНУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ»
 БИНАЛИ АЪЗОСИ

*барча ватандошларимизни,
 ҳамкасбларимиз баҳор байрами —*

НАВРЎЗНИ ОЛАМ

билан муборакбод эмашди!

*Тинчлик ва бахтнинг келажакда
 амалга оширилиши ва бундан оқибат
 йўқ бўлганини талаб қилишимиз!*

*Ушбу кунда айёнда
 барча орзу-интилишларини амалга
 оширишни ва бундан оқибат
 йўқ бўлганини талаб қилишимиз!*





Буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллуд тоғганига 617 йил тўлди. Аслида, бу муҳдат абадият учун ҳеч нарса эмас. Зеро, Улуғбекнинг номи юз минг йил ўтса ҳам, башарият тарихидан асло ўчмайди. Хўш, нега?

БЕНАЗИР АЛЛОМА

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида бу ҳақда шундай дейилади: "Буюк Амир Темурнинг набираси, беназир аллома, Мирзо Улуғбекнинг ўрта асрлар шароитида намойён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам хайратга солмасдан қўймайди. Тақдир бу улуг зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифаларни юклди. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулиятли вазифа айнан унга насиб этди. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннахр диверсинг дошишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орузи — тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди".

Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбек мудраб ётган дунё тамаддунининг янгилинишига улкан ҳисса қўшди. Ававалмбор, мутлақо янги илгор таълим тизимига, илмий-амалий марказларга эга Улуғбек академиясига асос солди. Ушбу академияга шахсан раҳбарлик қилиб, Шарқ илм-фанининг

200 дан зиёд таниқли олимларини тадқиқотларга жалб этди. Шунингдек, Регистон ҳамда Ғури Амир ансамбллари таркибиде иккита маҳобатли мадрасани барпо қилди. Энг муҳими, ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган минглаб юлдузлар-

Тарихингиз минг асрлар...

вар етакчи, ислохотчи раҳбар мақомига кўтарилиб, кўшни давлатларда ҳам, ўз фуқаролари наздида ҳам шон-шухрат қозонди. Афсуски, замондошлари бу буюк инсоннинг енгилмас салтанат қуриш орузсини англаб етмади. Зотан, Мир-

зо Улуғбек Самарқандда кенг қўламда қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, илк муҳандислик корхоналарини ташкил этган ва умуман, жамиятни илм-фан кашфиётлари орқали ривожлантиришга астойдил бел боғлаган эди. Бироқ... У ғўзал орузу-умидларини рўёбга чиқара олмади оламдан ўтди. Уларни келгуси авлодларга мерос қолдирди.

Не бахтки, 1991 йил 1 сентябрь куни халқимизнинг асрий орузи ушалиб, юртимизда Истиклол қуёши нур соча бошлади. Шак-

Хуллас, Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг халқимиз учун азизлиги ҳар бир ўтаётган йилда ўз исботини топиб келмоқда. Чунки буюк аждодимиз тарих осмонида порлаган ёрқин юлдузлар. Бинобарин, унинг зиёси бугун ҳам кўнгилашимизни ўз абадияти билан мунаввар этиб турибди.

Абдували ҚУТБИДИНОВ, шарҳловчи.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Юртимизда Наврўз шухуқи кезиб юрган дамларда Германиядан ажойиб хушхабар олдик.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ҚУЧГАН ЗАФАР

Гап шундаки, ушбу давлатда бокс бўйича ўтказилган анъанавий халқаро турнирда беш нафар боксчимиз иштирок этиб, барчаси совриндорлар сафидан жой олди.

Ғойибназаров (60 кг.) ва Элшод Расулов (81 кг.) кумуш, Ўктамжон Раҳмонов (69 кг.) ҳамда Аббос Атоев (75 кг.) эса бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Энг яхши кўрсаткичга терма жамоамизнинг янги аъзоларидан бири — андижонлик иқтидорли боксчи Мирзоҳиджон Абдуллаев (91 кг.) эришди. У ўз вази тоифасида барча рақибларини енгиб, олтин медаль билан тақдирланди. Фазлидин

Жорий йилнинг август — сентябрь ойларида Боку (Озарбойжон)да ўтадиган жохон чемпионатида тайёргарлик вазифасини ўтаган ушбу мусобақада дунёнинг ўндан ортқ мамлакатидан келган "чарм қўлқоп" усталари голиблик учун рингга чиқдилар.

Маҳачқалъа (Россия)да эркин кураш бўйича жохон кубоги якунланди.

ПОВЛОНЛАРИМИЗ КУЧЛИ ТЎРТЛИҚДА

Нуфузли мусобақада дунё рейтингиде юқори ўринларни эгаллаб турган Озарбойжон, Болгария, Грузия, Эрон, Ўзбекистон, Россия, Куба, Украина ҳамда Венгрия ва Қозоғистон (бир жамоа бўлиб) мамлакатлари полвонлари голиблик учун гиламга чиқдилар.

Ушбу биринчиликда Дилшод Мансуров, Насибулло Курбонов, Баҳром Эрматов, Ихтиёр Наврўзов, Умиджон Усмонов, Суҳрон Тошпўлатов, Амирхон Мирзаев ва Курбон Курбонов юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

«ХАМКОРБАНК»

«Хамкорбанк» — это банк, который всегда рядом с вами. Мы предлагаем вам лучшие условия сотрудничества и высокое качество обслуживания. Добро пожаловать в мир комфорта и надежности!

«Хамкорбанк» — это банк, который всегда рядом с вами.

«Хамкорбанк» — это банк, который всегда рядом с вами.

«Jurabek Laboratories» МУЖ

ЖАМОАСИ

Наврўзи олам

Наврўзи олам

Наврўзи олам

Эркинлик учун янги аям олма!

— Қорқин; — Ташкент; — Самарқанд; — Бухоро; — Қашқадар; — Қандузи; — Фарғона; — Андижон; — Наманган; — Ўзбекистон.

Эркинлик учун янги аям олма!

Эркинлик учун янги аям олма!

ОБ-ҲАВО

(23 март)

Коркалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Наманган вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Харорат тунда 5-10 даража илқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузилмайди. Харорат тунда 8-13 даража илқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 11-16 даража илқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 5-10 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик қузилмайди. Харорат тунда 8-10 даража илқ, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюропта Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибуят 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Тахририятга келган қўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 01.00

Манзил: Наманган шаҳри, Мадра қўчаси, 3-уй, 4-қават. Ҳавофони: (9-189) 274-34-47, 274-37-47.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — О. Файзиев. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

ISSN 2010-8788